

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 166 (9.969)

2003 ЙИЛ 25 АВГУСТ

Қайта таъмирланаётган Абдулла Қодирий номи маданият ва истироҳат боғи ҳудудида Планетарий марказининг фойдаланишга топширилиши Мустақиллик байрами ҳамда янги ўқув йилига муносиб тухфа бўлди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бундан 40 йил аввал асос солинган маъмур маърифат масканининг моддий-техник негизи замонавий технологиялар билан бойитилгани бўлиб, шу билан бирга янги бино ҳам қуриш борасида саъй-ҳаракатлар амалга оширила бошланди. Ҳозирда таъкидлаб ўтиш жоизки, таълим соҳасини қўллаб-қувватлаб келаётган Япония ҳукумати ушбу лойиҳага ҳисса қўиш ниятида 50 минг йен миқдорда грант ажратди ва айни пайтда ушбу маблағ ҳисобига «Чори» савдо белгиси билан Ўзбекистон

тонда фаолият юритаётган ваколатхона томонидан планетарийга электрон мосламаси ўрнатилди. Тошкент шаҳар бош режаси илмий-тадқиқот институти лойиҳаси асосида бу ердаги барча қурилиш-монтаж ишлари «Паркентсувқурилиш» трестининг 5-механизация қўчма жамламаси томонидан амалга оширилди.

СУРАТЛАРДА: «Паркентсувқурилиш» трестининг участка устаси Шерзод Дўстов ва бетончи Тўтқун Мингбоев лойиҳа билан танишишмоқда.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.



ХУЎСАДОСИ
Барча маълумотлар
оқингиз сўзгиз хабарлар

Мамлакатимизда

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Фарит Мухаметшин ишонч ёрлиғи топширди.
- Президент Ислам Каримовга шунингдек Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Игорс Апокинс ҳам ишонч ёрлиғи топширди.
- Шу кун Президент Ислам Каримов Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Моҳд Заин бин Абу Бакардан ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.
- Ўзбекистон тарихи Давлат музейида ижодкор Поён Равшановнинг «Қашқадарё: Истиқлол арафасида» деб номланган китобининг тақдими бўлиб ўтди.
- Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида Паркент туманидаги Навбахор қишлоғида 240 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди. Бу ерда 10 та фан кабинети тўла жиҳозланди, компьютер синфи ташкил этилди.
- Кеча «Байсемебель кўрғазмасавдо» савдо-кўрғазмалар мажмуасида «Файз» холдинг компанияси корхонасида тайёрланган 250 хилдан ортик маҳсулотларнинг кўрғазмаси очилди.
- Беруний туманида Беруний педагогика касб-ҳунар коллежининг қайта таъмирланган биноси фойдаланишга топширилди. «Берунийгагроқурилиш» ҳиссадорлик жамияти курувчилари бу ерда 705 миллион сўмлик иш бажардилар.
- Халқлар Дўстлиги саройида ёш истеъодлар учун таъсис этилган «Нихол-2003» танлови ғолибларига мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- Америка Давлат котиби Колин Пауэлл БМТ бош котиби Кофи Аннан билан учрашувда Ироқдаги аскарлар сонини кўпайтириш ва уларни БМТга аъзо бошқа давлатлардан қақиртириш масаласини кўтариб чиқди.
- Британия полиция маҳкамаси Аргентинадаги Эрон элчисини ҳибсга олганлиги ҳақида хабар берди. Аргентина ҳукумати собиқ элчиси 9 йил аввал Аргентинадаги Исроил маданият марказини портлатишга алоқадорликда айбламқода.
- Бразилия космодромидида йирик авария рўй берди. Учишга чоғланган ракета старт майдончасининг ўзидида портлади. Ракета парчалари остиди 20 га ққин мутахассис ҳалок бўлди, шунчаси яраланди.
- Бир неча кун муқаддам ҳалокатга учраган «Ми-8» вертолётни топилди. Вертолёт бутунлай вайрон бўлган, бироқ барча маълумотлар ёзилмаган қора кутти сақланиб қолган.
- Узок Шарқда кен қўламли ҳарбий машқлар бўлиб ўтмоқда.
- Муҳожирларнинг кўпайиб кетиши Лондон шаҳри ҳаётини ўзгартириб юборди. Ҳозирда Буюк Британия пойтахтида янги муҳожирлар маҳаллари пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Анджон вилоятини Амир Темур ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Вилоят аҳлининг мамлакатимиз тараққиёти ва салохиятини юксалтириш, барча тармоқларда ислохотларни изчил амалга ошириш йўлида фидойилик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатаётгани, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта ишларини аътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Анджон вилоятини Амир Темур ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Хоразм вилоятини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Хоразм элининг улуғ аждодларимизга хос мардлик ва жасорат, Ватанга муҳаббат ва садоқат аъналарини муносиб давом эттириб келаётгани, мураккаб табиий шароитларда матонат хусусиятларини намоён этиб, ҳаётнинг барча жаҳаларида юксак натижаларга эришаётгани, буюқ тарихий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаб, дунёга машҳур этишда, ёш авлодимизни ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан Хоразм вилоятини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгашининг ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш бўйича муурожаати ва бир қатор жамоат ташкилотларининг тақлифларини инobatта олиб, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, муқаддас динимизни сохталаштиришга уринаётган турли мутаассиб кулларнинг ёвуз ҳаракатлари олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг ҳаётий аҳамияти ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, мутаассиб ва дахлдор жамоат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури» маъқуллансин. Тегишли давлат идоралари ва маҳаллий ҳокимиятлар томонидан Дастурнинг бажарилишига етарлича кўмак ва ёрдам берилсин.
2. Дастурдаги тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш мақсадида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашларини таркиби маъқуллансин. Дастур ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг махсус жамғарма тузиш ҳақидаги тақлифи ва жамғарма Низоми маъқуллансин.
3. Диний ташкилотлардан коммунал хизмат (газ, сув, электр ҳақи ва бошқа хизматлар) учун олинадиган тўловларни ишлаб чиқариш корхонаси даражаси ўрнига жимсоний шахслардан олинадиган миқдорда белгилан ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг муурожаатини қондириш юзасидан 10 кун муддат ичиди Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши қабул қилинсин.

Бунинг натижасида ҳосил бўлган ва бошқа хайрия маблағларини маъмур жамғарма ҳисобига ўтказиш, уни Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим муассасаларининг ўқув ва моддий базасини мустаҳкамлаш, уларга замонавий шарт-шароит яратиш, ўқитувчи-мударрис ва имом-хатибларнинг меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфланиши назарда тутилсин.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни маъқуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Барча даражалардаги, биринчи навбатда, ҳўжалик юритувчи субъектлар ажратадиган маблағлар ҳисобига таъминланадиган бошқарув органлари ходимларининг амалдаги сонини ўрганиб чиқиш натижасида ходимлар сонининг асоссиз равишда ўсиши ҳамда ходимлар сони кўп бўлган бошқарув аппарати сақланиб келиниши билан боғлиқ салбий ҳолатлар аниқланди.

Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув тузилмалари раҳбарлари ҳар йили бошқарув аппарати қисқартирилишига қарамай, техник ва хизмат кўрсатувчи

ходимлар сифатида ҳамон ҳаддан ташқари ортиқча кенгайтириб юборилган бошқарув ходимларига эгадирлар, уларнинг таъминотига ҳам бюджетдан ажратиладиган маблағлар, ҳам ҳўжалик юритувчи субъектларнинг даромадларидан ажратиладиган маблағлар, кўп ҳолларда хизматларга нархлар ва тарифлар ўсиши ҳисобига сарфланмоқда. Бунга, шунингдек, бошқарув тузилмалари ходимларининг чекланган сонини хизмат кўрсатувчи ходимларни кўрсатмасдан тасдиқлашнинг мавжуд амалиёти ҳам имкон бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ
Дир Кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА
сатрларда

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ҳамда Божхона кўмиталарига АҚШдан келтирилган замонавий техник жиҳозлар топширилди.

□ **РЕСПУБЛИКА** миллий матбуот марказида бўлиб ўтган тadbир Соғлиқни сақлаш вазирлигига АҚШдан келтирилган дори-дармонлар, тиббий жиҳозлар топширилишига бағишланди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган анжуман «Истиқлол қизлари — юрт истиқболи» деб номланди.

□ **«ГРАНТ-Орзу»** меҳмонхонасида тadbиркорликни ривожлантириш масаласига бағишлаб ўтказилган семинарда тadbиркорлар билан бирга давлат, нодавлат, нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** банклар ассоциациясида болгариялик ишбилармон томонидан ишлаб чиқарилган электрон касса аппаратларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

□ **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалла гузари қошида Истиқлол байрамга тухфа сифатида янги бунёд этилган маиший хизмат уйи фаолият бошлади.

□ **ҚУРБОНОВ** номи Республика болалар руҳий асаб касалликлари шифохонасига хориждан келтирилган замонавий тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар тухфа этилди.

□ **ШАҲРИМИЗДА** инсон саломатлигини асраш тизимини янги bosқичга олиб чиқиш масалаларига бағишлаб табиблар иштирокида ўтказилган тadbир Ўзбекистон халқ таботати академияси ташаббуси билан уюштирилди.

□ **ИТАЛИЯДА** ташкиллаштирилган «Болалар ижоди халқро фестивали»да қатнашган «Бинафша» гуруҳи пойтахтимизга қайтиб келди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати
ва ўз мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар берилуши тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

4. Маданий мерос объекти сифатида давлат рўйхатига олинган диний обидалар белгиланган тартибда жойлардаги Маданий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш инспекциялари билан тузилган «Фойдаланиш ва муҳофазалаш шартномалари» асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилсин ҳамда тўпладанидан хайрия маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат ўрнатилсин.

5. Ислам маънади ва ўрта махсус ислом билим юртлирида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимлар олаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртлирининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилсин ҳамда ана шу ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилсин.

6. Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шоғуломов), «Узтелевизио» компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), республика оммавий ахборот воситаларига «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш дастури»да белгиланган тadbирларнинг моҳияти ва ижросини ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчиси З.Усундидинов ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар
Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август

1. Сиз мустақиллик йиллари ўзингиз яшаётган ва меҳнат қилаётган жойдаги қандай ўзгариш ва янгиланишларни таъкидлар эдингиз?

2. Келажакни қандай тасаввур этасиз?

1. 1991 йилнинг 1 сентябри Ўзбекистоннинг тарихига, демакки унинг табаррук заминида яшаётган ҳар бир миллатнинг тақдирига олтин харфлар билан ёзиб қўйилди десак асло хато қилмаган бўлаемиз. 130 дан ортқ турли миллат вакилларини тинч-тотувликда, барқарорликда, ахилу ҳамжихатликда яшашларига имкон ва шарт-шароит яратиб келаятган муқаддас оиламиз — мустақил Ўзбекистонимиз яшаши, янгиланиши, иқтисодий тараққиёт, юксак фаровонлик йўлида собитқадамлик билан қадам ташламоқда.

Бугун Ўзбекистонда яшаб истикомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг қалби мустақиллигимиз қўлга киритган катта зафарлардан ифтихорга тўлмоқда. Баъзан ўзимча ўйлаб ҳам кетаман: диёримиздаги тинчлик-осойишталикнинг, сиёсий барқарорлик-

нинг сақланишига мустақилликнинг илк кунларида тўғри ва аниқ тамал тоши қўйилганлиги сабаб бўлса керак.

Дунёдаги жуда кўп давлатлар томонидан Ўзбекистоннинг тан олинishi, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши,

аналари, маданияти ва тилини сақлаб қолиши ва ривожлантириши учун барча шароитлар яратилди. Қўлаб йиллардан бери уйғур миллий-маданий марказига раҳбарлик қилиб, уйғур миллатининг хилсини, ижтимоий, иқтисодий ривожланиши йўлида ҳаракат қилдим. Бо-

12
ЎЗБЕКИСТОН
Йўлларимиз —
нурли, шарафли

«Тошкент оқшоми» газетаси анкетаси саволларига Республика Уйғур маданият маркази раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳибаси Шавамхон Аблякова жавоб беради:

пойтахтимизда кўлаб мамлакатларнинг элчихоналари ва ваколатхоналарининг очилиши ана шундан далолатдир. Мустақиллик йилларида республикамизда жуда кўлаб жамоат ташкилотлари ва маданий марказлар ташкил этилди. Шу заманда яшаб келаятган барча миллатларнинг вакилларига ўзларининг урф-одатлари, анъ-

зор иқтисодийётига ўпиш даврида тadbиркорлик жуда кўл келишини ўзим мисолида кўрсатиб, хусусий поликлиника, хусусий ошхона фаолиятини йўлга қўйдим. Ёрдамга муҳтож инсонларга, кўп болалар, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериб, ҳамиша кўлаб-қувватлашга ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
ҚАРОРИ

Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масалан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви аппарати ходимларининг чекланган сони 58 нафар этиб белгилангани ҳолда унинг ходимларининг амалдаги умумий сони бундан 2,4 баравар кўпдир ва 137 нафарни, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходимлар 79 нафарни ташкил этади. «Ўзқиллоқхўжаликимё», «Ўзбектуризм» компаниялари, «Ўззамшаноат» уюшмаси, «Ўзфармсаноат» давлат концернида ҳам ахвол худди шундай. Уларда ходимларнинг амалдаги умумий сони бошқарув ходимларининг белгиланган сонидан 2 баравардан ортқидир.

Бошқарув органлари ходимлари сонини тартибга солиш, маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи назар, улар таъминоти-га сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қўйидаги тартиб белгилансин, унга кўра: ҳам бюджет маблағлари, ҳам хўжалик фаолиятдан маблағ ажратиш ҳисобига маблағ билан таъминланадиган давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ходимларининг чекланган умумий сони, маъмурий-бошқарув ходимлари, шу жумладан алоҳида ажратиб кўрсатилган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарув органлари аппарати ходимларининг белгиланган чекланган умумий сонига риоя қилиниши, унинг ўзгариши динамикаси ва манбаларидан қатъи назар бошқарув аппарати таъминоти-га харажатларнинг мониторингини олиб боради.

Вазирликлар, идоралар, давлат кўмиталари, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва бошқа бошқарув органлари раҳбарлигига улар учун белгиланган ходимларнинг умумий сони ва уларнинг таъминоти-га чекланган харажатлар доирасида бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатини мустақил белгилаш ҳуқуқи берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари лавозимлари рўйхатини бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органлари буйича бошқарув, хизмат кўрсатув-

чи ва техник ходимлар сони нисбатини ҳисоблаб чиқилган нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин; 2004 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларининг харажатлари сметаси ва молиялаштирилиши рўйхатдан ўтказиши бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг тасдиқланган ҳисоблаб чиқилган нормативларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарор қоидаларидан келиб чиқиб амалга оширсин.

4. Солиқ органларига ходимларнинг тасдиқланган чекланган умумий сонидан ортқича ходимлар сақланиши аниқланган тартибда бюджетдан таъминланадиган ташкилот бўлмаган тегишли бошқарув органларидан қўшимча равишда сақлаб келинган ходимлар меҳнати-га ҳақ тўлашининг йиллик фонди микдорида жарима ндириш ҳуқуқи берилсин.

Кўрсатиб ўтилган ҳоллар давлат бюджети ҳисобига таъминланадиган бошқарув органларида аниқланган тақдирда ушбу ташкилотлар раҳбарлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

5. Белгилансинки, давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган бошқарув органлари томонидан ходимларнинг умумий сонини қисқартириш натижасида тежалган маблағ олиб қўйилмайди ва ушбу органларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси: статистика соҳиботи шакллари-га мазкур қарор талабларига мувофиқ ахборот тақдим этилишини таъминловчи тегишли ўзгаришлар киритсин;

молия органларига бошқарув органлари ходимлари умумий сони мониторингини олиб бориш учун тегишли ахборотни тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 22 август

Меҳнатларим муносиб тақдирланди, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий мустақиллик голяри-га садоқат руҳида тарбиялашдаги, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги фаоллигим учун ватанимизнинг юксак мукофоти — «Дўстлик» ордени билан тақдирландим.

Мен яшаб келаятган «Дархон» маҳалласида Обод маҳалла йилда қатор хайриюмушлар амалга оширилмоқда. Тумандаги шифохонада катта таъмирлаш ишлари олиб борилиб ишга туширилди. Қанча хотин-қизлар иш билан таъминланди.

2. Ўзбекистоннинг келажакги буюклигига ишонаман. Ёшларимиз янада билимли, салоҳиятли бўлиб, юртимиз тараққиётига, айниқса иқтисодийёти-нинг ривожланиши-га ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Миллий маданий марказларимиз гуллаб-яшнаб, миллатлар тотувлиги, ҳамжихатлиги йўлида янада фаолроқ иш олиб борадилар. Тинчлигимиз, осойишта кунларимизга кўз тегмасин, мустақиллигимиз абадий бўлсин.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Бағдоддаги БМТ ваколатхонаси биноси ёнида портлаш содир этилди. БМТнинг расмий вакили Фред Эхарднинг маълум қилишича, террорчилар портловчи модда тўлдирилган юк машинасини ташкилот миссияси жойлашган бино ёнига олиб келган. Портлаш натижасида қурбон бўлганлар сони 20 га етди. 90 га яқин одам жароҳатланди. Қурбонлар орасида БМТ Бош қотибининг Ироқ бўйича махсус вакили Сержио Виейра ди Мелла ҳам бор. Машина портлатилган пайтда БМТ миссияси раҳбари анжуман ўтказётган, бинода одам кўп эди.

◆ Абхазиялик бир гуруҳ қочоклар томонидан Грузия пойтахтидаги «Тбилметрострой» биносининг эгаллаб олгани ҳукуматни бефарқ қолдирмади. «Интерфакс»нинг маълум қилишича, давлат расмийлари бир ой муддат ичида қочокларни турар жой билан таъминлашга ваъда берган.

◆ Сешанба куни Афғонистон президенти Ҳамид Карзайнинг Қандаҳорда яшайдиган уқасининг уйда портлаш уюштирилган. «Ассошиэтед Пресс» ахборотида кўра, портлаш оқибатида ҳеч кимга зийн етмаган. Ҳозирча Ахмад Вали Карзайнинг уйда содир этилган портлашнинг ташаббускори аниқланганича йўқ.

◆ The China Daily газетаси тарқатган хабарга кўра, Хитойда террорчилик акти содир этилишининг олдини олиш мақсадида эндиликда барча тижорат рейсларини полициянинг махсус агентлари кузатиб боради. Газетада ёзилишича, улар аввало махсус тайёргарлик курсларидан ўтиб, сўнг иш бошлайдилар. Улар экипаж кийимида юрадилар.

◆ Бразилиянинг Мадейра дарёси бўйлаб сузиб кетаётган кема кучли бўронга дош беролмай ағдарилиб кетди. Кемада 70 га яқин одам бор эди. Маҳаллий ҳукумат вакиллари маълум қилишича, кемадаги 8 нафар киши ҳалок бўлган ва 10 га яқини дараксиз йўқолган.

◆ АҚШ ва Канададаги ялпи электр қувватининг ўчиб қолишига электр узатиш тизимидаги хабар бериш ускунасининг ишдан чиқиши сабаб бўлди. Аввалроқ хабар берилганидек, Огайо штатидаги у электр узатиш тизимидаги носозликлар АҚШдаги электр қуввати муаммосини келтириб чиқарди. «Барча носозликлар Огайо штатидан бошланганлигидан шубҳамиз йўқ», — дейди Шимолий Америкада энерготизимлари хавфсизлигини таъминлаш кенгашининг президенти Мишель Гент.

◆ Япония бош вазири Дзюньитиро Коидзуми Европага келди. Ташриф давомида бош вазир Европа Иттифоқи билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш, КХДРнинг ядро дастури масаласини муҳокама қилишни мўлжаллаган.

Мана, уларнинг иш бошлаганига ҳам бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу вақт давомида улар ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганлигини аниқлаш ва энг яхши иш олиб борган педагог-тарбиячиларнинг фаолиятларини оммалаштириш мақсадида йилнинг энг яхши педагог-тарбиячиси кўрик-танлови ўтказилди.

Ҳамза туманидаги «Тарновбоши» маҳалласи педагог-тарбиячиси Муқаддас Назарова туманда биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлиб, шаҳар босқичига тавсия қилинган эди. Тошкент шаҳар «Маҳалла ёшлари тарбиячиси» маркази раиси Наргиза Тўхтаева ва тумандаги шундай марказ раҳбари Гулнора Абдувахובה педагог-тарбиячининг иш фаолияти

• ТАНЛОВЛАР ЭНГ ЯХШИ педагог-тарбиячи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги қарорига асосан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ташкил этувчи педагог-тарбиячилар ўз фаолиятини бoshлаган эди.



• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

«Талаба-2003» гуруҳи

Ўзбекистон Республикаси «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман бўлими Кенгаши туманда яшовчи, меҳнат қилувчи, билим олаётган йигит-қизларга чинакамига суянч ва таянч бўлишга интиломда.

Кенгаш ташаббуси билан жорий йилнинг июль-август ойларида туманда жойлашган Тошкент Давлат шарқшунослик, Тошкент Автомобиль йўллари ҳамда Тошкент Фармацевтика институтлари ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида «Талаба-2003» гуруҳи тузилиб, айна пайтда улар муваффақиятли ишлашмоқда.

Гуруҳнинг фаолияти талаба-ёшларнинг касб маҳорати ва малакасини оширишга, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, келажакда баркамол, меҳ-

натсевар, малакали кадрлар тайёрлашга қаратилган бўлиб, уни тузишдан мақсад ёзги таътил даврида ихтиёрий равишда ишлаш истиагини билдирган йигит-қизларни бирлаштириш, уларни халқ хўжалигини ривожлантириш борасида ишчи-хизматчилар билан биргаликда меҳнатга жалб этиш, фаол равишда туман ҳудудида маънавий-маърифий, оммавий-маданий ва спорт ишларини олиб боришга қаратилган.

Энг қувонарлиси эса ҳар бири 10 га талабадан иборат гуруҳ аъзо-

лари тумандаги 39 та маҳаллада ўз йўналишлари бўйича тadbирларни ўтказганлигидир. Тошкент Фармацевтика институтининг «Талаба — 2003» гуруҳи маҳаллалардаги 122 та ёлғиз ёрдамга муҳтож қарияларни тиббий патронажини ташкил этишиб, ёшларнинг тиббий билимининг ошириш мақсадида тadbирлар уюштирган бўлса, Тошкент Автомобиль йўллари институти гуруҳи талабалари эса маҳаллалардаги ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни спортга жалб этишга эътибор қаратган. Тошкент Давлат шарқшунослик институти гуруҳининг ишлари ҳам эътиборга лойиқ бўлиб, улар маънавий-маърифий тadbирлар уюштириб, буюк аждодаларимиз, улуг алломаларини ҳақида, юртимиз тарихи, мустақиллигимиз боқийлиги тўғрисида сўхбатлар уюштирмоқда.

Дилфуза ҒАНИЕВА

• САХОВАТ

Савоб ишга бел боғлаган

Шу кунларда пойтахтимиз кўчаларини кезган кишининг юраги фахр-ифтихорга тўлади. Қад ростлаётган улкан иншоотлар, шинам уй-жой бинолари, раван кўчалар, муҳташам кўприklar шахримизнинг кундан-кун чирой очиб бораётганидан дарак бермоқда.

Маъзуқ йилнинг Юртбошимиз ташаббуслари билан Обод маҳалла йили деб номланиши маҳаллалардаги бунёдкорлик ишларини янада жонлантириб юборди.

Пойтахтимизда жойлашган «Қозиробод» маҳалласи ҳам мустақиллик йилларида янада обод бўлмоқда. Шу маҳаллада истиқомат қиладиган Абдумажид ҳожи ота Ёрмухамедовни ҳамшаҳарларимиз яхши билишади. Серғайрат, саховатпеша, тиниб-тинчимас инсоннинг маслаҳатлари, елиб-югуришлари, сарфлаётган моддий маблағлари эвазига маҳалла ҳудудида талайгина ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Қозиробод» маҳалла жоме масжидининг барпо бўлиши, Хотира майдонининг бунёдга келиши, 138-мактаб биносининг таъмирдан чиқарилишида Абдумажид отанинг хизматлари катта бўлди.

Бу йил ҳам Абдумажид ота маҳалла болалари таҳсил оладиган 138-мактабга катта туҳфа тайёрлади.

Яъни, мактаб кираверишига нақшинкор дарвоза ва шунга мос арка қурилиши ҳозирги кунда жаддалик билан олиб бориляпти. Миллий меъморчилигимиз ананаларини ўзида мужассам этган бу иншоот шахримизда ягона бўлиб қад ростласа ажаб эмас.

Қадим ота-боболаримиз руҳини ўзида жо этган дарвоза бўсағасидан кириб-чиқадиган ўқувчилар миллатимизга хос бўлган энг яхши хислатларни ўзларида намоён этадилар деб ўйлаймиз.

138-мактаб жамоаси ҳам серғайрат инсонлардан ибрат олиб, кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўйилганда. Ёш бўлса-да, кўпчиликка бош бўлишининг улдасидан чиқётган мактаб директори Оҳиста Алимова жамоа билан ҳамкорликда янги ўқув йилига мактаб биносини тахт қилиб қўйди.

Эрта-индин мактабларда биринчи кўнғирок жаранглайди. Озода ва тартибли, бир хил мактаб формасида қадрдон мактаблари остонасига қадам қўяётган ўғил-қизларни кўриб дилингиз завққа тўлади. Беихтиёр Юртбошимиз таъкидлаганларидек «Ташаббус ўлмасин, ташаббус сўнмасин», — дегингиз келад.

Зеро, яхшилик ниятида қўйилган ҳар бир гишт, ҳар бир эзгу амал, бу — инсонларнинг трихлик чоғидаёқ ўзларига бунёд этаётган ҳайкаллари кабудир. Беихтиёр, раҳмат сизга, эй қалб уммондай бепоён инсонлар, сиз каби саховатпешалар сафи тобора кўпайсин деган тилаклар кўнглингиздан ўтди.

Муаттар ҲАМРОЕВА

Қонун муҳокамасига бағишланди

Республика Марказий банкида «Банк сирини тўғрисида»ги қонун муҳокамасига бағишланган семинар ўтказилди.

Олий мажлисининг навбатдаги ўн иккинчи сессиясида «Банк сирини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, семинарда янги қонун унинг асосий мазмун моҳияти ҳақида сўз юритилди. Тadbирда таъкидланишича, ушбу қонун мижозларнинг банкларга бўлган ишончинини мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар энг аввало банклар томонидан муҳофазаланиши лозим. Аҳолининг банкларга қўйилган омонатларини сир тутиш қонун билан муҳофазаланиши бош қомусимизнинг 93-моддасида белгиланган. Ушбу конституциявий меъёр Ўзбекистон республикасининг фуқаролик кодекси ҳамда «Банклар ва банк фа-

олияти тўғрисида»ги қонунини орқали ҳаётга таъбиқ этилади. Фуқаролик кодексининг 786-моддасига асосан банклар банк ҳисоб varaғидидаги мижозлар омонати, мижоз ҳақидаги маълумотларини сир сақлашинини кафолатлашлари шарт. Шунингдек, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 38-моддасига мувофиқ банклар ўз мижозлари ва вакилларининг ҳисоб рақамлари, жамғармаларига оид маълумотларни ҳам сир сақлашини тўла кафолат беради. Бироқ, бутунги кунда айрим ташкилотлар банкларнинг мижозлар ҳақидаги маълумотларини билдириш учун улар фаолиятига асосан аралашмоқдалар. Янги қонун ана шундай аралашувларни тартибга солишга йўналтирилган бўлиб, унга кўра тегишли ташкилотлар банк мижозларига жинойий иш қўзғатилгандагина банклардан керакли маълумотни талаб қилишга ҳақли бўлади.

«Туркистон-пресс»

Бека Қиш дастурхони учун

Куз фасли ҳам бошлангачи. Пишиқчилик. Бозор пештахталари лик тўла. Уларнинг нархи ҳар кун сайин арзонлашиб бораёттир. Негаки мева-чева, сабзавоту резаворлар кетма-кет пишиб турибди... Шу кунларда сиз булардан турли мурабболар ва хушхўр салатлар тайёрлаб олишингиз мумкин. Ахир қиш дастурхонини ҳозирдан ўйласангиз буларнинг ҳаммасини тайёрлашга улгурасиз. Бунинг учун озгина тадбиркор бўлсангиз, бирозгина вақт ва имкон топсангиз кифоя. Маслаҳатларимиз шу ҳақда.

Помидорли аччиқ-чучук

Пиёзни арчиб парракланди. Помидор ювилиб майда қилиб тўғралди. Сўнг ювилган бодрингни тўртта бўлиб майда парракча қилиб тўғралди. Қизил сабзини арчиб, ювилгач, сомон шаклида қирқилади. Булғор қалампери ҳам ювиб тозаланади, майдаланади. Ҳамма масаллиқлар катта сирли тоғорага солиб, таъбга кўра туз, қора мурч солинади. Сўнг ҳар хил кўкатлардан майда тўғраб қўшилади. Масаллиқлар устидан салат ёғи қуйилади ва ҳаммаси қориштирилади.

Олдиндан тозалаб ювилган банклар буглатиб олинади. Масаллиқлар банкларга жойланади, устини темир қопқоқ билан ёпиб сувли каструлкада ярим соат қайнатиб олинади. Сўнг эҳтиётлик билан олинди, банклар махсус ёпқич билан маҳкамланади ва совуши учун тўрттириб қўйилади.

Аччиқ-чучук салати учун: 3 килограмм помидор, 2 килограмм пиёз, 3 килограмм бодринг, 2 килограмм қизил сабзи, 2 килограмм булғор қалампери, 2 боғ кўкат, 200 грамм махсус салат ёғи, таъбга кўра туз, қора мурч керак бўлади.

Қовурилган бақлажон салати

Янги, барра бақлажонларни ювиб, тозаланг. Уларни тузли қайноқ сувга солиб олинг. Сўнг доира шаклида қирқиб олинг. Қиздирилган ўсимлик ёғида 10 дақиқа давомидида қовуриб олинг. Ёдан олиб устига мурч ёки қалампир сепинг. Қовурилган бақлажонларни шиша идишларга эҳтиёткорлик билан жойланг. Қатлам ораларига майда тўғралган пиёзимон шаклида қирқилган сабзи, майдаланган ош кўклар солинади. Устидан иссиқ ёғ қуйилади. Идишлар қопқоғини ёпиб, ҳар бирини 20 дақиқадан сувли идишларда қайнатасиз.

Масаллиқлар: 5 килограмм бақлажон, 200 грамм пиёз, 400 грамм сабзи, 3 боғ шивит, ярим килодан кўпроқ салат ёғи керак бўлади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими
"Севимли шаҳрим" акцияси доирасида
"Озода шаҳар"
таъбирини ўйлашди.

Тез кунларда Сизнинг маҳаллангизда махсус
жамоа ва севимли радиостанциянгизнинг
бошловчилари иш олиб боришади.

Сиз ўз кўчангизни чиқинди-
ахлатлардан тозаланг!

Ва Сиз севимли радиостанция орқали
эфирга чиқиш имкониятига
эга бўласиз.

Маълумотлар
ТТВ телеканали,
"Пойтахт-информ"
радиостанцияси, "Тошкент
оқшоми", "Вечерний Ташкент",
газеталарида.

Бизнинг Тошкент-
озода шаҳар!

www.tashkentkamolot.uz
Маъруза: Тошкент шаҳар, 700005, Мовароуннаҳр кўчаси, 14
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

**СЕВИМЛИ
ШАҲРИМ**

"Табиатда яшайди инсон"

Республика Миллий матбуот марказида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикалари ҳудудидида 2000 йил 30 майдан буён фаолият юритаётган Фарбий Тяньшан биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Глобал экологик фонд (ГЭФ) нинг Марказий Осиё чегараларо лойиҳаси ижрочилари иштирокида "Гулистон" журналининг лойиҳага бағишланган махсус сони тақдими ўтказилди.

— Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар миллион йиллар давомида ўзаро боғлиқликда ривожланиб келган, — деди журнал бош муҳаррири Азим Суюн "Туркистон-пресс" муҳбирига. — Инсоният ҳаётига техника, моддий асослар кириб келиши билан бу муносабатларда талай кескинликлар юзага кела бошлади. Бизнинг давримизга келиб атрофмуҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш долзарб муаммага айланди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, эндиликда башариятнинг кейинги тақдири шу муаммоларнинг ечимига боғланиб қолди. Инсон табиатга нисбатан зўравонларча муносабатини ўзгартирмас экан, экологик таҳдидлар бизни ҳар қадамда таъқиб қилаверади.

Жаҳон миқёсида она табиатни асраш, инсонларда экологик соғлом муносабатни шакллантиришга қаратилган қатор халқаро, минтақавий ва маҳаллий лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш бўйича Глобал экологик фондинг Марказий Осиё чегараларо лойиҳасининг мақсади ҳам шундан иборат. Лойиҳа Ўзбекистон, Қирғизистон ва

Қозоғистон республикаларида амалга оширилмоқда. Фарбий Тяньшан тоғлари биохилма-хиллигини сақлаш мақсадида, мазкур мамлакатларга Глобал экологик фонд орқали Жаҳон банки томонидан 10 миллион 15 минг АҚШ доллари ажратилди. Биологик хилма-хилликни сақлашнинг асосий ҳудудлардан тўрт қўриқхона, яъни Ўзбекистондаги Чотқол, Қозоғистондаги Оқсув-Жобоғли, Қирғизистондаги Саричелак ва Бешорол ҳисобланади. Уч давлат ҳудудидида жойлашган бу қўриқхоналар ноёб табиий ҳудуд бўлиб, ўзига хос наботот ва ҳайвонот турларининг сони уч мингдан ошади. Улардан 170 тури ер юзининг бошқа ҳудудларида учрамайди.

"Гулистон" журналининг мазкур сонидида "Табиатда яшайди инсон", "Бизнинг Чотқол", "Табиатни асраш муқаддас бурч", "Табиат мактаби", "Гулистон дорихонаси" каби рункларда берилган кенг қамровли мақолалар ҳар бир ўқувчи қалбидан чуқур жой олади, уларнинг экологик билимларини чуқурлаштирибгина қолмай, ватанимиз табиатининг содиқ посбонларига айлантиради, деб ишонамиз.

"Туркистон-пресс"

Аёллар — юрт таянчи

Бугунги кунда жамиятимизда қайси бир соҳага назар солсангиз хотин-қизларимизнинг роли бекиёс даражада ошиб бораётганлигининг гувоҳи бўласиз. Айниқса Обод маҳалла йили муносабати билан маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияси раисларининг зиммаларидаги масъулият янада ошди.

Жумладан Мирзо Улугбек туманидаги Мирзо Улугбек номидаги маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Маъсуда Эшмуротованинг маҳалланинг тинчлиги ва ободлиги, осийшталлигини таъминлашда олиб бораётган ишлари диққатга сазовор бўлаётганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Маҳаллада «Қизлар клуби» ташкил қилинган бўлиб, қизларни турмушга тайёрлаш мақсадида турли учрашувлар, суҳбатлар ўтказиб турилмоқ-

да. Шу билан бирга маҳаллада нафақат ёшлар, балки хотин-қизларни спортга жалб қилиш ҳам яхши натижалар бермоқда. Айниқса маҳалла ҳудудидида жойлашган сув ҳавзаси ёз мавсумида хотин-қизлар билан гавжум бўлмоқда.

Дарҳақиқат, маҳаллада хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган турли хил тадбирлар, кўрик-танловларни ташкил этишида Маъсуда опанинг хизматлари бекиёс бўлмоқда. Айни кунларда маҳаллада «Файзли кўчанинг фаришта



аёли» номли танлов эълон қилинган. Ушбу танлов Мустақиллигимизнинг 12 йиллик байрам тантаналари арафасида юқунлиб, голиблар муносиб совғалар билан тақдирланади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалланинг жонқуяр опаноҳи Маъсуда Эшмуротова ўтган йили шаҳримиз маҳаллалари ўртасида

ўтказилган «Энг яхши хотин-қизлар комиссияси раиси» танловидида биринчи ўринни эгаллаб, шу номга сазовор бўлди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: Маъсуда Эшмуротова маҳалла фаол аёллари билан тўй-ҳашамларни ихчам, исрофгарчиликларисиз ўтказиш бўйича йиғилиш ўтказмоқда.

«Остонаси тиллодан»

«Камолот» ЁИХ Собир Раҳимов туман бўлими Кенгаши ва «Камалак» болалар ташкилати ёшларнинг табиатга бўлган қизиқишларини ошириш ва уни асраб-авайлаш кўникмаларига ўргатиш мақсадида Тошкент экскаваторларни таъмирлаш тажриба-механика заводи қошида фаолият юритаётган «Оби-ҳаёт» оромгоҳида «Экосан» — бу сен ва мен» деб номланган, чиқинди маҳсулотлардан тайёрланган буюмлар кўрик-танловини ўтказдилар.

Ушбу танловни «Камолот»нинг туман кенгаши сардорлари олиб бордилар. Оромгоҳдаги 6 та гуруҳнинг 250 нафардан ортиқ болажонлари катта қизиқиш билан танловда иштирок этиб, ўз гуруҳлари теварак-атрофидидаги чиқиндиларни йиғиб, турли хил маҳсулотлардан ҳар хил нарсалар ясаб ўз иқтидорлари, қизиқувчан ва укувли эканликларини намойиш этишди.

«Остонаси тиллодан» — тозалик операцияси деб номланган қатор шартлар бўйича беллашган болажонлар атрофмуҳит, табиатни асраш, тозалик-озодалик соғломлик гарови эканлиги ҳақидаги тасаввурлари, билимлари билан ўзаро фикр алмашдилар, бир-бирларининг тажрибаларини ўрганиб, ўртоқлашдилар.

Ниҳоятда қизиқарли тарзда бўлиб ўтган ушбу танлов барча катнашчиларда катта таассурот қолдириди. Анъанага мувофиқ голиблар есаллик совғалари билан тақдирландилар.

Шоҳида МУХСИМОВА

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб доно бўлур...

● Азиз фарзандлар, ота-онанинг ҳурмат қилишни асло эсингиздан чиқарманг. Ота-онанингизга қандай муомала қилсангиз, келгусида ўз фарзандларингиздан шундай муомалани кўришингиз аниқ.

Хикоят:

Бир йигит ўз отасини ҳақорат қилиб урганни кўрган одамлар, нафратланиб у адабсиз ўғилга ҳужум қилмоқчи бўлдилар. Йигитнинг отаси одамларни тўхтатиб:

— Биродарлар, ўғлимга ҳужум қилманг, бу ишда ўғлим эмас, ўзим айбдорман. Йигитлик вақтимда кунлардан бир кун ҳудди мана шу ерда отамни ҳақорат қилиб урган эдим. Отамга қилган адабсизлигим жазосини энди ўзим кўриб турибман. Отамга қандай муомала қилган бўлсам, бугун ўшандай муомала ўз ўғлимдан қайтди. Нимани эксанг, шуни ўрасан, деб жуда тўғри айтганлар. Мен отамни ҳурмат қилмадим, дилларини огритдим, у муборак зотлар мёндан норози бўлиб кетдилар, энди ўғлим айбдор эмас, биродарлар, айб ўзимда, — деб ўксиниб-ўксиниб йиғлади.

Йигит отасининг сўзларидан таъсирланиб, дод-фарёд қилиб кўз ёшларини тўқди. Дарҳол отасини қучоқлаб ўпиб, ундан узр сўради. Ота эмасми, у ҳам ўғлининг гуноҳини кечирди. Унинг кўз ёшларини артиб, қучоғига олиб эркалади. Бу воқеанинг гувоҳи бўлган халқ ҳам таъсирланиб, кўзларига ёш олдилар.

● Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз муқаддас туйғудир.

● Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча мадҳиялар ҳеч нарса эмас, барча балоқдларвот мақтовлар ўғиллик муҳаббати ва миннатдорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

● Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

Байт:

Бошни фидо айла

ато қошига,

Жисмни қил садқа ано

бошига.

● Эй фарзанд, ота-она ҳақини бажо келтириш сенинг бурчинг. Шундай экан ота-онанинг ҳурмат ва итоат қил, оқил ва доно фарзанд ота-онанинг ҳақларини бекаму кўст бажаради. Уларни ҳурматлашда камчилик кўрсатса, номинг яхшилик билан ёд этилмайди. Ўз фарзандинг сенга нисбатан қандай бўлишини истасанг, сен ҳам ота-онанинг шундай муомалалада бўл, фарзанд — мева, ота-онани эса дарахт ўрнида деб фарз этайлик.

Дарахт қанча яхши тарбия қилинса унинг меваси яна ҳам яхшироқ ва ширинроқ бўлади.

Эй фарзанд, тушун: ота-онанинг сени тарбия қилиб ўстирдилар, шу йўлда анча машаққат чекдилар, сенга ҳеч вақт ёмонликни раво кўрмайдилар, бахтли, саодатли бўлишингни тилайдилар. Шундай экан бу муҳтарам зотларнинг иззат-ҳурматларини бажо келтиришга ғайрат қил. Уларнинг дилларини огритма, очик юзли, ширин сўзли бўл, доимо ҳолларидан хабардор бўл. Ҳеч вақт муҳтожликда қолдирма, ҳар жиҳатдан уларни ўзингдан рози қилиб, дуоларини олишга ҳаракат қил, шу гўзал хислатларинг билан иззат ва шарофат ҳосил қилсан.

● ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Технология

бизнесига кенг йўл

Мирзо Улугбек туманидаги истеъдодларни қўллаб-қувватлаш республика жамғармаси фаолияти кенгайиб кетди. Унинг ахборот технологиялари бизнесини ривожлантириш борасидаги саяёҳаракатлари ҳам яхши самаралар бермоқда.

«Эрудит» ахборот технологиялари» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам ана шу режани рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлди. Мазкур тадбир давомида ёш истеъдодлардан бир неча нафари аниқланди. Ўз навбатида голиблар муносиб тақдирландилар. Уларнинг бизнесни ривожлантиришга қаратилган изланишларини амалиётга татбиқ этиш ҳам кўзда тутилди. Жамғарма ёш ишбилармонларни рағбатлантиришга қаратилган яна қатор режаларни амалга оширади.

Акбар АЛИЕВ

Юртимизда кенг қўламда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар халқимиз манфаатини кўзлаб, унинг турмуш даражасини, билими, сиёсий онгини, маънавийини юксалтиришга қаратилгани бежиз эмас.

Маънавият — ақл кўзгуси

Чилонзор туман «Маънавият ва маърифат» марказида ҳам аҳоли орасида маънавий-маърифий тарғибот, ташвиқот ишларини кўнгилдагидай олиб боришга қатъий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадларда маҳаллалар, корхона, ташкилот ва мактабларда «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз», «Қадрият, урф-одат ва ёшлар», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Биз қандай жамият курапмиз?», «Ислому ва ёшлар» каби мавзуларда, шунингдек, ҳуқуқий маданиятни ошириш, II қақриқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси материалларини ўрганиш, долзарб мавзуларимиздан бўлган тўй-ҳашамларни ихчамлаштириш, дин ва миллатлараро тотувлик ҳақида давра суҳбатлари, учрашув, тадбирлар ташкил этилмоқда.

Мазкур марказ томонидан бугунги кунда 20 дан зиёд корхона, ташкилотларда етакчи мутахассис-маърузачиларни жалб қилган ҳолда давра суҳбатлари уюштирилмоқдалар. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқаролар ва мактаб ўқувчилари, зиёлилар, олимлар, санъаткорлар билан учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Шу билан бирга, тумандаги раҳбар ходимларнинг маънавий-маърифий малакаларини ошириш мақсадида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилган. Ушбу курслар тингловчиларининг касбидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажратилиб фаолият олиб боради. Ўқув режаси мавзулари ҳозирги долзарб масалаларга бағишланган бўлиб, ўқув машғулотларига олий ўқув юртиларидан малакали мутахассислар жалб этилган.

● 2003 — ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

Ҳомийлар билан ҳамкорликда

Чилонзор туманидаги ибратли маҳаллалардан бири «Шарқ» маҳалласида бўлсангиз, у ерда амалга оширилаётган ишлар — бунёдкорлик, саранжом-саришталик, яратувчанлик ва ёш авлодга ғамхўрликдан кўнглингиз тўлади.

— Яқинда каттагина спорт мажмуасини барпо этдик, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аъзам ака Маҳмудов. — Бу ерда маҳалла ёшлари спортнинг кўпгина турлари: футбол, волейбол, баскетбол, теннис бўйича шуғулланишлари мумкин. Ўзгирди томони, маҳаллада қурилган 17х17 метрли сув ҳавзаси болалару ўсмирларнинг севимли жойига айланган. Шу ернинг ўзида ечиниш-кийиниш ҳамда душхоналар болажонлар ихтиёрида.

«Шарқ» маҳалласида 10600 нафар фуқаролар ақил-иноқ ҳаёт кечирмоқдалар. Ушбу маҳаллада 10 та 9 қаватли ва 28 та 4 қаватли уйлар мавжуд бўлиб, маҳалла ҳудудида 3 та уй-жой мулкдорлари ширкати самарали фаолият юритмоқда. 18-уйда маҳалла фаоллари саяёҳаракати билан тикувчилик цехи иш бошлаган. Ҳозирги кунда мазкур цехдаги малакали тикувчилар ўқувчилар учун мактаб формаси тикиш билан банд. Бу ҳам маҳалла—мактаб—ойла ҳам-

корлигининг узвийлигини далolat беради. Жорий йил бошидан маҳалла кўчаларига 1000 квадрат метр асфальт ётқизилди. Ҳашар йўли билан оталар чойхонасининг йил охиригача қуриб битказилиши режалаштирилган. Барча хайрли ишларга «Алгоритм» заводи, «Стекло-сервис» қурилиш фирмаси, «Эркинбизнес» хусусий корхонаси, тумандаги бир нечта қўшма корхоналар ўз хомийлик мадалларини кўрсатишмоқда. Комила МИРКАМОЛОВА

Тошкент шаҳар ҳокимияти
«Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

«Севимли шаҳрим» ақилли доналарига
«Пойтахт-бизнинг нигоҳимизда»
маърузида ёш олим фотосуратлар
иштирокчиларини танлов қилиб

Фототанлов уч йўналиш бўйича утказилади:
Кўҳна Тошкент;
Миллий қадриятлар;
Истиқлол нашидалари.

Фотосуратларни
Тошкент шаҳар, 700005,
Мовароуннаҳр кўчаси, 14
манзилга юборинг.

Ҳар бир иштирокидан 4—тадан
кўп бўлмаган (алоҳида ёки туркум)
асар қабул қилинади, туркум ҳам
бир асардек қурилади.

Энг яхши фотосуратлар
кишибайбах овозлар ва дипломлар
билан тақдирланади.

Маълумотлар ТТV телеканали, «Пойтахт-информ»
радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент»,
газеталарида.

www.tashkentfilm.td.uz
Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-33-06

Бобур боғида дам олинг

Истиқлол туфайли шаҳримиздаги мавжуд маданият ва истироҳат боғлари ўзгача чирой, ўзгача жозоба кашф этди. Бу сўлим ва файзли гўшаларда ҳамшаҳарларимиз мазмунли ва мароқли дам олмақдалар. Айниқса болажонларни айтмайсизми... Бу ердаги ўйингоҳлар, турли хил аттракционлар уларнинг қалбига бир олам қувонч бахш этмоқда.



Мустақиллик йилларида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта қурилиб таъмирланди. Натижада боғ замон талабларига жавоб берадиган кўнглиочар масканга айланди. Боғда 3 та теннис корти, кичик футбол майдони, 2 та кутубхона, 5 фавворали йўлак, мовий қўл ва дам олиш ороли, «Капалак» ва манзарали сув ҳавзалари, турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган ёзги саҳна, сув усти саҳнаси, турли ўйин қурилмалари, «Спарта» соғломлаштириш маркази мавжуд бўлиб, ҳамшаҳарларимизнинг кўнглили хордиқ чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Боғда ўтказилаётган барча тадбирларда асосий эътибор Мустақиллигининг мазмун моҳияти, истиқлол ғояларини ёшлар онгига сингдириш, дунё илм фани, маданияти ва санъати ҳақида тўлиқ маълумот беришга қаратилмоқда. Шунингдек, ёшларда соғлом тушунча ва соғлом онгни ривожлантириш, маданиятимиз ва санъатимиз ютуқларини оммалаштиришга муҳим эътибор берилмоқда.

Ҳозирда маданият ва маънавият маскани ҳисобланган боғда Истиқлолимизнинг 12 йиллигига бағишланган байрам тадбирларининг янада мазмунли ва қизиқарли бўлиши учун қизгин тараддул кўришмоқда.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТДА: Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳаётидан лавҳа.

Спорт Коллеж талабаларига кулайлик

Истиклол айёми арафасида пойтахтимиздаги Йўлдош Охунбоев номли Республика тиббиёт коллежи талабаларига қурувчилар замонавий спорт залини бунёд этиб совга сифатида фойдаланишга топширишди. Олти метрдан иборат спорт залидан тренажёрлар, дам олиш ва ювениш хоналари ҳам ўрин олади. Қувонарлиси, мазкур илм масканининг ёзги спорт майдони ҳам замонавий тарзда қайта таъмирланади.

Юксак ишонч

Ўзбекистон Давлат jisмоний тарбия ва спорт қўмитасида Республика сув полоси федерациясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўтган йиллар мобайнида ушбу спорт турини ривожлантириш борасида қўлга киритилган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида йиғилиш қатнашчиларининг фикрлари тингланди. Келгусида сув полоси спортини ёшлар ўртасида янада оммалаштириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Дарвоқе, йиғилиш қатнашчилари томонидан Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латиповга юксак ишонч билдирилиб, у Республика сув полоси федерациясининг президентлигига сайланди.

Қутилмаган натижалар

ЎТГАН КУНИ

Ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг 19-тур беллашувлари мутахассислар футбол ишқибозларига қутилмаган натижаларни ҳада этди. Ушбу турнинг марказий учрашуви ҳисобланмиш «Насаф» — «Нефтчи» баҳси кўпчилик башорат қилганидек, фарғоналиклар ғалабаси билан эмас, аксинча майдон эгаларининг йирик ҳисобдаги ютуқлари билан яқунланди. Ўйингоҳда бевосита учрашувни кузатган ишқибозлар бешта голнинг гувоҳига айланишди. Мехмонларни 4:1 ҳисобида мағлуб эта олган қаршилиқ футболчилар муҳим уч очкони қўлга киритишди. «Нефтчи»нинг бу мағлубияти «Пахтакор»га очколар бўйича янада ўзиб кетиши учун катта имконият яратди.

Қолган учрашувлар куйидагича яқунланди. «Бухоро» — «Самарқанд» — «Динамо» 1:0, «Андижон» — «Трактор» 3:2, «Кўқон-1912» — «Навбахор» 1:2, «Дўстлик» — «Гулистон» 2:1, «Сурхон» — «Металлург» — 1:1.

БУГУН

бўлиб ўтадиган «Пахтакор» — «Қизилқум» учрашуви билан 19-тур ниҳоясига етади.
Навбатдаги 20-тур баҳслари 28 август кuni ўтказилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Қора-қамиш 1/4 мавзесида
5 хонали уй сотилади.
Телефон: 48-25-77



Пойтахтнинг «Жар» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича биринчи очиқ «Ўзбекистон кубоги» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан 400 дан ошиқ спорт усталари беллашдилар. «Ўзбекистон кубоги» очиқ турнирида умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин қозоғистонлик кикбокс усталарига насиб этди. Кейинги ўринларни эса Ўзбекистон ва Қирғизистон вакиллари қўлга киритди.

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.
Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.

БИР ЧИМДИМ ҚАҲҚАҲА

— Бугун ишдан кечроқ қайтаман, хотин...
— Галингизга қатъий ишонсам бўладими?!

Жаҳли чиққан ота ўғлидан сўради:
— Иккинчи тузатишни ҳеч ҳаёлингга келтирясанми ўзи?

— Мен нима ҳам қила оламан, ахир синф журнали доим ўқитувчилар хонасида сақланади-ку.

— Мен берган дорини сизга нафи тегдими?

— Эҳ-хе, бундан ҳам фойдали дори бўладими? Шу дори туфайли ўғлимнинг йўтали қолди, менинг елкамнинг оғриғи йўқ бўлди. Ортиб қолганига хотиним дераза ойналарини чиннидек қилиб ювиб қўйибди.

Қамоқхонада ётган маҳбуснинг хотини бошлиқдан эрининг соғлиғи ёмонлашгани туфайли унга энг енгил иш буюришни илтимос қилибди.

— Яна қанақа енгил иш керак эрингизга,
— жавоб берибди бошлиқ, — ахир у қоғоз хат жилдларини елимлаб ўтирардику.

— Шундайми? Узининг айтишича тунни билан аллақандай чуқурни кавлаб чиқар эмиш?

Агар ҳадеб ичавермаганингда аллақачон оддий аскар эмас, сержант бўлиб кетардинг!
— Ҳм, топган гапини-чи, мен ичиб олсам ўзимни генералдек ҳис этаман!

Қариб қолган онахонга милиционер деди:
— Трамвайдан сақраганингиз учун жарима тўлайсиз, холажон.
— Ўғлим, мен трамвайдан сақрамадим, ундан тушиб қолдим, холос.



Сўзсиз сурат.
Абдурашул ҲАКИМОВ чизган расм.

Ҳайвонот оламида Биласизми?

Умуртқасиз ҳайвонлар ичида фақат ҳашаротлар синфи вакилларигина уча олади.

Фанда ўрганилган ҳашаротлар сони 1 миллионгача, ўрганилмаганлари эса 2 миллионга яқиндир.

Фанга маълум ҳашаротларнинг 87 фоизи ўсимлик чанглангитрувчилар ҳисобланади.

Ҳашаротлар ҳайвонот оламида 70 фоизни ташкил этади. Ҳашаротларнинг тарқалиши ҳайвонларга ҳам боелиқ. Масалан, Австралия кашф этилгунига қадар у ерда қорамоллар учрамапти. Шу боис гўнг чиритувчи ҳашаротлар ҳам йўқ эди.

Ҳашаротларнинг айримлари хонакилаштирилмоқда. Ипак қурти асаларидан ташқари коменилсимонлар трихограммалар шулар жумласидандир.

Ҳашаротлар бизга ипак, асал, прополлис, кармин (нодир бўёқ), лак, хилма-хил саноат маҳсулотлари беради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежи қошидаги Болалар мусиқа мактаби қуйидаги мутахассисликлар учун қўшимча

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Фортепиано — 7-8 ёшдан;
- Торли чолғулар — 7-8 ёшдан;
- Аънавий чолғулар ва хонандлик — 10-11 ёшдан;
- Ўзбек халқ чолғулари,
- Пуфлаб чалинадиган ва зарбли чолғулар,
- Аккордеон, баян ва гитара чолғулари.
- Академик ашула ва эстрада ашула.

Ўқиш учун тўлов 1 ой учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй.

(Консерваториянинг эски биноси)

Телефонлар: 133-06-49, 133-33-90, 133-58-57.



Бош муҳаррир Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 133-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ объект
усулида босилади.
4204 нусхада босилади. Қоғоз бенини А-3

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
куллари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат
матбуот қўмитасида
10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрият етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта
булимларига ёки «Тошкент пойтахтига» — 133-74-05 телефонига
мувожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босиб чиқарди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.